



acted



“ЯНГИ МЕҲНАТ
КОДЕКСИНИ ИШ
ЖОЙИДАГИ ЖИНСИЙ
ЗЎРАВОНЛИК ВА
КАМСИТИШГА ҚАРШИ
КУРАШИШДА ҚЎЛЛАШ”
МАВЗУСИДАГИ
СЕМИНАР-ТРЕНИНГ

Nodira Gaibnazarova

МУРАББИЙ



acted

Nodira Baxodirjanovna Gaibnazarova
Texnika fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD)
Mehnat shasi bo'yicha ekspert



e-mail: nbk_2007@mail.ru ngoilnazarova2007@gmail.com



telefon: +9(98-71) 256-87-65



@nodira2007 (NODIRA Gaibnazarova)



ПРОФЕССИОНАЛЬНЫЙ СОЮЗ – TRADE UNIONS



МЕХНАТ МУХОФАЗАСИ – ОХРАНА ТРУДА



NODIRA GAIBNAZAROVA



acted



ТАВСИЯ ҚИЛИНАДИГАН ҚОИДАЛАР РЎЙХАТИ

Телефонлар- товушсиз режимида

Мураббийлик СТОП

**Барчасининг конфиденциаллиги
(махфийлиги)**

«Индивидуал эркин кириш/чиқиш»

Тайминг

Қўл кўтариш қоидаси

Nodira Gaibnazarova



acted



соат 10.00–11.30

СЕССИЯ 1: Меҳнатга оид халқаро ва
миллий стандартлар,
янги киритилган нормалар ҳамда
жинсий зўравонлик ва камситишга
йўл қўймаслик масалалари:

Халқаро Меҳнат Ташкилотининг
190-сонли Конвенцияси

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси

Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси

Меҳнатга оид бошқа норматив ва локал ҳужжатлар

Nodira Gaibnazarova



Савол: Меҳнат соҳасидаги
қандай янги нормалардан
хабардорсиз?

*Тингловчиларнинг жавоблари ва
тренер изоҳлари
5-7 дақиқа*





acted



Меҳнат соҳасида зўравонлик ва таъқибга барҳам бериш бўйича Конвенция (№ 190) ва Тавсия (№ 206)

- ✓ Жаҳон ҳамжамияти меҳнат дунёсидаги зўравонлик ва таъқибларга тоқат қилиб бўлмаслигини ва уларга чек қўйиш кераклигини аниқ таъкидлади.
- ✓ 2019-йил 21-июнь куни ХМТ Халқаро меҳнат конференциясида меҳнат келажаги тўғрисидаги 100 йиллик декларацияни қабул қилди, унда зўравонлик ва таъқиблардан холи меҳнат соҳасига қатъий содиқлик ифодаланади.
- ✓ Худди шу куни Конференциянинг 100 йиллик сессияси Меҳнат соҳасида зўравонлик ва таъқибга барҳам бериш бўйича Конвенция (№ 190) ва Тавсияни (№ 206) қабул қилиш орқали ушбу жиддий мажбуриятни ҳақиқатга айлантирди.
- ✓ Зўравонлик ва таъқибга қарши глобал норозилик пайдо бўлишидан олдин ҳам, ХМТ аъзолари халқаро ҳаракатлар масаласи ҳаётий аҳамиятга эга деган хулосага келишган.
- ✓ Конвенция ва Тавсияни қабул қилиниши, зўравонлик ва таъқибларсиз меҳнат қилиш ҳуқуқини бериб, биринчи марта халқаро шартномада шакллантирилган.
- ✓ Биринчи марта зўравонлик ва таъқибнинг олдини олиш ва унга қарши курашиш бўйича аниқ ва ягона концептуал асос мавжуд бўлиб, у инклюзив, кенг қамровли ва гендерга боғлиқ.
- ✓ Меҳнат дунёсининг тез ўзгарувчан табиатини тан оладиган ушбу қоидалар, албатта, вақт синовидан ўтади.

Nodira Gaibnazarova

Принятые фундаментальные конвенции МОТ

- Конвенция о принудительном или обязательном труде (C-029) (с протоколом №P029)
- Конвенция о свободе объединений и защите права объединяться в профсоюзы (C-087)
- Конвенция о применении принципов права на объединение в профсоюзы и на ведение коллективных переговоров (C-098)
- Конвенция о равном вознаграждении мужчин и женщин за труд равной ценности (C-100)
- Конвенция об упразднении принудительного труда (C-105)
- Конвенция о дискриминации в области труда и занятий (C-111)
- Конвенция о минимальном возрасте для приема на работу (C-138)
- Конвенция о запрещении и немедленных мерах по искоренению наихудших форм детского труда (C-182)
- Конвенция об основах, содействующих безопасности и гигиене труда (C-187) - Promotional Framework for Occupational Safety and Health Convention, 2006 (No. 187)

Техническая конвенция МОТ

- Конвенция о защите прав представителей работников на предприятии и предоставляемых им возможностях (C-135)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИ


*Мазкур янги тахрирдаги
Ўзбекистон Республикаси
Конституцияси
2023 йил 30 апрель
кuni ўтказилган
Ўзбекистон Республикаси
референдумида
умумхалқ овоз бериш
орқали қабул қилинган.*



42 – МОДДА



43 – МОДДА



44 – МОДДА

42 – МОДДА

Ҳар ким муносиб меҳнат қилиш, касб ва фаолият турини эркин танлаш, хавфсизлик ва гигиена талабларига жавоб берадиган қулай меҳнат шароитларида ишлаш, меҳнати учун ҳеч қандай камситишларсиз ҳамда меҳнатга ҳақ тўлашнинг белгиланган энг кам миқдоридан кам бўлмаган тарзда адолатли ҳақ олиш, шунингдек ишсизликдан қонунда белгиланган тартибда ҳимояланиш ҳуқуқига эга.

Меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори инсоннинг муносиб турмуш даражасини таъминлаш зарурати ҳисобга олинган ҳолда белгиланади.

Ҳомиладорлиги ёки боласи борлиги сабабли аёлларни ишга қабул қилишни рад этиш, ишдан бўшатиш ва уларнинг иш ҳақини камайтириш тақиқланади.

43-МОДДА

Давлат фуқароларнинг бандлигини таъминлаш, уларни ишсизликдан ҳимоя қилиш, шунингдек камбағалликни қисқартириш чораларини кўради.

Давлат фуқароларнинг касбий тайёргарлигини ва қайта тайёрланишини ташкил этади ҳамда рағбатлантиради.

44–МОДДА

Суд қарори билан тайинланган жазони ижро этиш тартибидан ёхуд қонунда назарда тутилган бошқа ҳоллардан ташқари мажбурий меҳнат тақиқланади.

Болалар меҳнатининг боланинг соғлиғига, хавфсизлигига, ахлоқига, ақлий ва жисмоний ривожланишига хавф солувчи, шу жумладан унинг таълим олишига тўсқинлик қилувчи ҳар қандай шакллари тақиқланади.

ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИНИНГ
ЯНГИ МЕҲНАТ КОДЕКСИ ВА
УНДАГИ ЭНГ МУҲИМ
ЯНГИЛИКЛАР

Nodira Gaibnazarova

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МЕҲНАТ КОДЕКСИ

Ўзбекистон
Республикасининг
28.10.2022 й.

ЎРҚ–798–сон Қонуни билан
тасдиқланган

(Қонунчилик маълумотлари миллий базаси,
29.10.2022 й., 02/22/798/0972–сон;
12.04.2023 й., 03/23/829/0208–сон)

ЯНГИ МЕҲНАТ КОДЕКСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ ЖАРАЁНИДА

10 дан ортиқ Халқаро ташкилотлар:

- Жаҳон банки
- Халқаро Меҳнат Ташкилоти
- Халқаро касаба уюшмалари конфедерацияси
- БМТ тараққиёт дастури
- Жаҳон савдо ташкилоти
- АҚШ иш берувчилар ассоциацияси
- Корея халқаро ҳамкорлик ташкилоти
- Cotton campaign ва бошқа халқаро нодавлат ташкилотлар иштирок этди

94 та Халқаро меҳнат ташкилоти Конвенциялари, 63 та давлат тажрибаси ўрганилди: ЕВРОПА ОСИЁ МДҲ ва бошқалар

| | | |
|------------|--------------|-----------|
| Германия | Молдова | Сингапур |
| Англия | Озарбайжон | БАА |
| Бельгия | Қозоғистон | Малайзия |
| Дания | Қирғизистон | Япония |
| Испания | Россия | Вьетнам |
| Ирландия | Тожикистон | Грузия |
| Италия | Туркманистон | Исроил |
| Люксембург | Беларусь | Индонезия |
| Норвегия | Австралия | Ж.Корея |
| Португалия | Бразилия | Тайланд |
| Турция | Канада | Филиппин |
| Чехия | АҚШ | Хитой |
| Франция | Чили | Ҳиндистон |

Халқаро ташкилотларнинг мутахассислари, иш берувчилар (**100** дан зиёд), касаба уюшмалари, жамоатчилик ва тадбиркорлик субъектларининг вакиллари (**500** дан зиёд) иштирокида **76 та тадбир**, шундан: **4 та халқаро конференция, 15 та семинар, 57 та муҳокамалар, шундан 24 таси туманларда** ўтказилди

Ўзбекистон Республикасининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини муҳокама қилиш порталида (regulation.gov.uz) **3 марта** жамоатчилик муҳокамаси ўтказилди.

Фуқаролар томонидан **93 та** таклифлар берилган. (ишга қабул қилиш ва бўшатиш, меҳнатга ҳақ тўлаш, меҳнат таътили, дам олиш ва иш вақти масалалари)

ЎР МЕҲНАТ КОДЕКСИ

*ходимлар, иш берувчилар ва давлат
манфаатларининг мувозанатини
таъминлаш ҳамда уларни
мувофиқлаштириш асосида*

**якка тартибдаги меҳнатга оид
муносабатларни**



Иш берувчи



Ходим



ва улар билан бевосита боғлиқ бўлган **ИЖТИМОЙ**
муносабатларни тартибга солади.

(1-модда)



Ўзбекистон Республикаси
МЕҲНАТ КОДЕКСИ

Эски таҳрири

**2 қисм,
16 боб
294 модда**

Янги таҳрири

**2 қисм,
7 бўлим
34 боб
581 модда**

МЕҲНАТ КОДЕКСИНИНГ БЎЛИМЛАРИ

Умумий қисм



Умумий қоидалар



Меҳнат соҳасидаги ижтимоий шериклик

Махсус қисм



Ишга жойлаштириш



Якка тартибдаги меҳнатга оид муносабатлар



Ходимларни касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш



Айрим тоифадаги ходимлар меҳнатини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишнинг ўзига хос усусиятлари



Ходимларнинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш. Меҳнат низоларини кўриб чиқиш



Кодекснинг асосий вазифалари:

ходимлар меҳнат ҳуқуқлари ва эркинликларининг, шу жумладан меҳнат қилишга, эркин иш танлашга, адолатли ва хавфсиз меҳнат шароитларига ҳамда ишсизликдан ҳимояланишга бўлган ҳуқуқининг давлат кафолатларини белгилаш;

иш берувчиларнинг кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш ва самарали меҳнат жараёнини ташкил этиш соҳасидаги ҳуқуқлари амалга оширилишини таъминлаш;

меҳнат соҳасида ижтимоий шерикликни рағбатлантириш ва ривожлантириш;

ходимлар ва иш берувчиларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш;

меҳнат бозорининг самарали фаолият кўрсатишига кўмаклашиш.

(2-модда)

МК амал қиладиган ва қўлланилмайдиган соҳалар белгиланмоқда

татбиқ
этилмайди

Муддатли ҳарбий
хизматчилар,
фуқаролик-
ҳуқуқий
шартномалар
асосида
ишлаётганлар,
кузатув кенгаши
аъзолари ва
тафтишчиларга

қисман татбиқ
этилади

Ҳарбийлашти-
рилган
органлар,
суд, ҳуқуқни
муҳофаза
қилувчи
органлар
ходимлари,
қутқарувчиларга

тўлиқ татбиқ
этилади

Бошқа
барча
иш берувчи
ва
ходимлар,
чет элдаги
дипломатик
ташкilotлар



Савол: меҳнат
муносабатлари
иштирокчилари кимлар?

*Тингловчиларнинг жавоблари
ва тренер изоҳлари
5-7 дақиқа*



Якка тартибдаги меҳнатга оид муносабатларнинг субъектлари

ИШ БЕРУВЧИ

кўпроқ ишлатиб,
камроқ ҳақ
тўлаш

ХОДИМ

камроқ ишлаб
кўпроқ ҳақ
талаб қилиш

Ходим ва иш берувчи ўртасидаги якка тартибдаги меҳнатга оид муносабатлар Меҳнат Кодексига мувофиқ улар томонидан тузиладиган меҳнат шартномаси асосида юзага келади.

ЯККА ТАРТИБДАГИ МЕҲНАТГА ОИД МУНОСАБАТЛАР



Меҳнат шартномаси
тушунчаси, тарафлари
ва мазмуни



Ишга қабул қилиш
босқичлари



Меҳнат шартномасининг
кучга кириши ва ишнинг
бошланиш санаси



Дастлабки
синов натижаси



Меҳнат шартномасини
рўйхатдан ўтказиш (ЯММТ)



Ходимни бошқа иш берувчига
вақтинча хизмат сафарига
юбориш



Меҳнат шартномаси
муддатлари



Ходимни
ишдан четлаштириш



Ишга қабул қилишда йўл
қўйиладиган ёш



Меҳнат шартномасининг
бекор қилиш ва унинг
оқибатлари

Меҳнат шартномасини тузишда айрим муносабатлар

| | | |
|--|--|---|
| <u>Электрон шаклдаги меҳнат шартномалари</u> | Шартномада <u>бекор қилиш асослари</u> белгиланади | <u>Санъат, спорт, масофадан ишлаш</u> каби соҳаларда шартнома тузиш тартиблари белгиланган |
| <u>муддатли меҳнат шартномаси</u> 3 йил (эски МКда – 5 йил эди) | <u>дастлабки синов</u> (умумий 3 ой, раҳбарларга 6 ой) <u>белгиланмайдиган тоифа</u> кенгайтирилмоқда (грант асосида таълим олган битирувчи, 18 ёшга тўлмаган шахс) | ходимни 1 йилга бошқа иш берувчига <u>вақтинчалик хизмат сафарига юбориш</u> тартиби белгиланмоқда |



Савол: норматив-ҳуқуқий
ҳужжат ва бошқа локал
ҳужжатлар деганда қандай
ҳужжатлар назарда тутилган?

*Тингловчиларнинг жавоблари
ва тренер изоҳлари
5-7 дақиқа*



Янги Меҳнат кодекси бўйича ички норматив ҳужжатлар ва қонунчиликнинг ўзаро нисбати

Халқаро ҳужжатлар (ХМТ Конвенциялари,
Инсон ҳуқуқлари Декларацияси ва бошқалар)

Ўзбекистон қонунчилиги (Конституция, Қонунлар, ОМ қарорлари,
ПФ ва ПҚ, ВМҚ, вазирликлар, идоралар ва ҳокимликларнинг қарорлари)

Жамоа келишувлари

Жамоа шартномалари

Касаба уюшмалари билан келишув бўйича қабул қилинадиган
ҳуқуқий ҳужжатлар

Иш берувчининг
якка тартибдаги ҳуқуқий ҳужжатлари

Меҳнат шартномаси

Таъриф ва принциплар қисмида янги киритилган қоидалар

Принциплар – ҳар қандай ҳуқуқ соҳасининг асосий ғоясидир. Улар ҳуқуқ (қонунчилик) нормаларининг моҳияти ва мазмунини очиқ бериш ва батафсил баён этиш асосларини белгилаб беради.

Якка тартибдаги меҳнатга оид муносабатларни ва улар билан бевосита боғлиқ бўлган ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишнинг **асосий принциплари** қуйидагилардан иборат:

(4-
модда)

меҳнат ҳуқуқларининг тенглиги, меҳнат ва машғулотлар соҳасида камситишни тақиқлаш;

(5-
модда)

меҳнат эркинлиги ва мажбурий меҳнатни тақиқлаш;

(6-
модда)

меҳнат соҳасидаги ижтимоий шериклик;

(7-
модда)

меҳнат ҳуқуқлари таъминланишининг ва меҳнат мажбуриятлари бажарилишининг кафолатланганлиги;

(8-
модда)

ходимнинг ҳуқуқий ҳолати ёмонлашишига йўл қўйилмаслиги.

ЭЪТИБОРИНГИЗ УЧУН РАХМАТ!



acted

Nodira Baxodirjanovna Gaibnazarova
Texnika fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD)
Mehnat schasi bo'yicha ekspert



e-mail: nbk_2007@mail.ru nguibnazarova2007@gmail.com



telefon: +9(98-71) 256-87-65



@nodira2007 (NODIRA Gaibnazarova)



ПРОФЕССИОНАЛЬНЫЙ СОЮЗ – TRADE UNIONS



МЕХНАТ МУҲОФАЗАСИ – ОХРАНА ТРУДА



NODIRA GAIBNAZAROVA